

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1175-ҳадис**

1175- وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ غُسْلَ الْجَنَابَةِ ثُمَّ رَاحَ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَدَنَهُ، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الثَّانِيَةِ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَقَرَةً، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الثَّالثَةِ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ كَبْشًا أَقْرَنَ، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الرَّابِعَةِ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ دَجَاجَةً، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الْخَامِسَةِ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَيْضَةً، فَإِذَا خَرَجَ الْإِمَامُ حَضَرَتِ الْمَلَائِكَةُ يَسْتَمِعُونَ الذِّكْرَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 881، م 850].

قَوْلُهُ: «غُسْلُ الْجَنَابَةِ» أَي: غُسْلًا كَغُسْلِ الْجَنَابَةِ فِي الصِّفَةِ.

1175. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким жума куни жанобат ғуслини қилса, сўнг (масжидга) эрта борса, худди (Аллоҳга) битта туя сўйгандек бўлади. Ким иккинчи вақтда борса, худди битта сигир сўйгандек, ким учинчи вақтда борса, худди битта шохдор қўчқор сўйгандек, ким тўртинчи вақтда борса, худди битта товуқ сўйгандек, ким бешинчи вақтда борса, худди бир тухум атагандек бўлади. Имом (минбарга) чиққанда эса фаришталар зикр (хутба)ни эшитишга ҳозир бўладилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда жума намози учун ғусл қилиш ва унга эрта бориш қанчалик савобли иш экани ғоят гўзал тарзда баён қилинмоқда.

«Жанобат ғуслини қилса» дейилганидан жунубликдан қандоқ ғусл қилса, жума учун ҳам шундоқ ният ва амаллар билан ғусл қилиш лозимлиги тушунилади.

Ҳадиси шарифдаги «соат»дан уламоларимиз фалакий соатларни тушунганлар. Демак, жума кунининг тонгидан то жума намози вақти киргунча бўлган соатларнинг аввалгисида борганлар худди туя сўйиб, хайру эҳсон қилган кишининг савобини олади. Кейинги соатларда борганлар учун эса бериладиган савобнинг ҳажми кичрайиб бораверади.

Ҳадиси шарифнинг охирида жума куни ва намозининг яна бир улкан фазли – имом хутбага чиққанида уни тинглаш учун фаришталар ҳозир бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Демак, жума намозига нафақат мусулмон бандалар, балки фаришталар ҳам қатнашар экан. Албатта, бундоқ жамоат энг хайрли, энг баракали, энг файзли жамоат бўлади. Бундоқ жамоатга ювинмай-таранмай, яхши кийимларни киймай, хушбўй нарсалар сепмай бориб бўлмайди. Бундоқ жамоатга қанча эрта борса, шунча яхши. Унга ҳеч қачон кеч қолиб бўлмайди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган хулосалар:

1. Жума намозига эртароқ боришнинг фазилати ва унга тарғиб. Қанчалик эрта борса, савоби шунчалик кўп бўлиши.
2. Жума куни фаришталар ҳозир бўлиб, хотиржамлик, раҳмат олиб келиши.

Манба: hadis.islom.uz

